

---

## Данғара тумани истирохат боғида Янги йил байрам тадбири бўлиб ўтди.

Байрам сахнасида қорбобо ва қорқиз иштирокида туман маданият бўлими ижодий жамоасининг меҳр-оқибат, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғолиб чиқиши, инсон фарзанди доимо яхшилик ва хайрли ишларга интилиб яшаши ҳақида ҳикоя қилувчи эртақ-спектакль намоиш қилинди. Байрамона безатилган арча атрофидаги шўх қўшиқ, тарона ва рақслар, болажонларга олам-олам қувонч, шодлик ва ҳаяжон, кўтаринки кайфият бағишлади. Тадбир давомида болажонларга Янги йил совғалари улашилди.

---

2024-12-27 17:57:53